

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган Чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган Чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминланиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

Давлат дастурида **7 та** йўналишда **26 та** банддан иборат вазифа ва топшириқлар белгиланган бўлиб, ҳозирги вақтда **7 та** бандда белгиланган топшириқлар ижроси таъминланди. *(Маълумотнома илова қилинади)*

Давлат дастури доирасида **қуйидаги ишлар** амалга оширилди:

1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган **2 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги **“Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”**ги ПФ-270-сон Фармони билан Агентликнинг мавжуд штат бирликлари доирасида коррупциявий хавф-хатар даражаси юқори бўлган маъмурий тартиб-таомилларни рақамлаштириш, шу жумладан, давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши автоматлаштирилган назорат тизимини жорий этишга масъул бўлган **“Хавф-таҳлил маркази”** ташкил этилди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 декабрдаги **“Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-246-сон Фармони қабул қилинди.

Фармон билан 2026 йил 1 апрелдан бошлаб давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар, коммунал тўловлар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, кўчмас мулк объектлари, транспорт воситалари қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товар ва хизматлар учун тўловлар фақатгина **банк карталари ёки электрон тўлов тизимлари** орқали амалга оширилиши белгиланди.

2. Ички ишлар вазирлигининг **“Электрон жиной-ҳуқуқий статистика”** ягона ахборот тизими коррупцияга оид жинойатлар бўйича статистикани юритиш тизими такомиллаштирилди.

*Ахборот тизимида тизимда коррупцияга оид жинойатлар ва улар натижасида **етказилган зарарлар ҳисобини юритиш**, коррупцион жинойатларни содир этиш **сабабларини аниқлаш**, давлат хизматчисининг хизмат қилган **соҳаси бўйича ажратиш**, судлар чиқарган қарорларини республиканинг барча ҳудудлари бўйича онлайн режимда **мониторинг қилиш имкониятини яратиш мақсадида **янги ҳисобот шакллари**** ишлаб чиқилди ва тизимда акс эттирилди.*

3. Суд органлари **мустақиллигини таъминлаш**, судлар фаолиятига аралashi ҳолатларининг олдини олиш, коррупциядан ҳоли суд тизимини яратиш бўйича ҳуқуқий инструментлар ишлаб чиқилди.

Судьянинг касбий фаолиятини баҳолашда **“ҳалоллик”, “касбий лаёқатлилиқ”** ва **“судьялик одоби қоидаларига риоя этиш”** талабларининг аниқ мезонлари ишлаб чиқилди.

Судьялар олий кенгаши расмий веб-сайтида суд тизимида мавжуд **бўш раҳбарлик** ва юқори турувчи судьялик лавозимларига оид маълумотлар, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ҳамда тайинлаш бўйича барча босқичларга оид маълумотлар **эълон қилиб борилиши** йўлга қўйилди.

Судьяга нисбатан **интизомий жазо қўллаш** тизимини шаффоф ва адолатли қилиш бўйича интизомий иш кўриб чиқишда унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини тақдим этиш ва интизомий жавобгарликка тортиш асосларининг **аниқ мезонларини ишлаб чиқиш** белгиланди.

4. “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” да аҳоли ва давлат хизматчиларининг билимларини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

2025 йил давомида базавий ўқув курсларда **1 млн. 67 минг нафар** мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари, **3 млн. 146 минг нафар** мактаб ўқувчилари ва **62 275 нафар** ОТМ талабалари ўқитилган бўлса, махсус ўқув курсларда **49 790 нафар** давлат хизматчиларининг малакаси оширилган.

2026-йилда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг жами **8845 нафар** ходимлари малакаси оширилиб, курсларни муваффақиятли тамомлаган **5967 нафар** тингловчиларга сертификатлар тақдим этилган.

5. Фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган **чора-тадбирлар** амалга оширилди.

2025 йил давомида фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини қўллаб қувватлаш учун **3.1 млрд** сўмлик грант лойиҳалари ва ижтимоий буюртмалар эълон қилинди. Фуқаролик жамияти институтлари малакасини ошириш мақсадида 2025 йилда 34 та амалий машғулот ва семинар-тренинг тадбирлари ташкил этилиб, ушбу тадбирларда 840 нафар жамоатчилик вакилларининг иштироки таъминланди.

6. Аҳолида коррупцияга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ёш авлод онгига ҳалоллик қадриятларини сингдиришга қаратилган спектакль ҳамда кино маҳсулотлари тайёрланиб, кенг жамоатчиликка намойиш этилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон давлат драма театрида И.Ҳамроев қаламига мансуб **“Ҳеч қачон давлатман дема”, “Ҳуқм”, Андижон мусиқали драма театрида “Пул ўлсин”, Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида “Одамга ёрдам беринг” (“Осмон ҳамма гапни эшитади”), Наманган вилояти мусиқали драма театри “Муқаддас қасам”, Жиззах вилояти мусиқали драма театрида “Ревизор” спектакллар орқали жамиятда илдиз отишга улгурган коррупциянинг салбий оқибатлари ва бугунги кунда унга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар драматик асарларнинг мазмун моҳиятига сингдирилган.**

Шунингдек, Кинематография агентлиги томонидан аҳоли, хусусан ёшларда ҳалоллик, адолат, очиқлик ва шаффофлик, қонунга итоаткорлик ҳамда коррупцияга қарши муносабатни шакллантирувчи **“Адолат”, “Менинг маҳаллам”, “Фарз”, “Чўлиқ”, “Енгилмас. Токиога йўл”** номли бадиий фильмлар яратилди.

7. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурининг ижроси бўйича мониторинг қилишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишмоқда.

Хусусан, чора-тадбирлар дастурининг ижроси юзасидан мониторинг ҳисоботи 2026 йил 6 февраль куни Коррупцияга қарши курашиш агентлигида муҳокама қилинди.

Учрашувда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши, Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази, “Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти” республика жамоат бирлашмаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси, «Ўзбекистонда очиқлик ва шаффофлик» таҳлилий маркази, Халқаро пресс клуб каби нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Учрашув давомида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз муносабатини билдирилди.

Хусусан, муҳокамада сўзга чиққан **Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори Гулнора Бабаджанова** чора-тадбирлар дастурида нодавлат нотижорат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини кенгайтириш бўйича белгиланган бандларни алоҳида эътироф этиб, айниқса нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги билимларини ошириш учун ўқув семинарларини ташкил этиш таклифини билдирилди.

Шунга асосан чора-тадбирлар дастури ижроси доирасида “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасида алоҳида масофавий ўқув курсларини ташкил этишга келишиб олинди.

“Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти” республика жамоат бирлашмаси директори ўринбосари Фозилжон Отахонов томонидан Чора-тадбирлар дастурининг ижроси юзасидан ҳисобот билан танишиб чиққан ҳолда, дастурининг 16-банди белгиланган Илмий даража олиш билан боғлиқ жараёнлардаги коррупцияга имкон бераётган омилларни бартараф этиш вазифаси ҳақиқатда ҳам долзарб эканлиги, бугунги кунда, айрим илмий ишлар талаб даражасида эмаслиги, бунинг сабаби бу жараёнларга коррупция аралашганлиги учун очиқлик-шаффофликни таъминлаш ва рақамлаштириш бўйича янги механизмларни жорий этиш кераклиги таклиф этилди.

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2025–2026 йилларга мўлжалланган
Чора-тадбирлар дастури ижроси бўйича
МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Чора-тадбир номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Амалга оширилган иш |
|---|--|--|----------------------|---|--|
| I. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида коррупцияга имкон бераётган шарт-шароитлар ва омилларни бартараф этиш | | | | | |
| 1. | Коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган соҳаларда коррупция омилларини аниқлаш ва бартараф этиш. | Қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: давлат органларининг масъул ходимлари, депутат ва сенаторлар, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ҳар чорақда камида 3 та соҳада коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, коррупцияга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган ўрганишлар ўтказиш; ўрганиш натижалари юзасидан аниқланган коррупция омилларини бартараф этишга қаратилган “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш; “Йўл хариталари” ижросини Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашида муҳокама қилиб бориш. | Ҳар чорақда | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳисоб палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар | Бажарилмоқда. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Туризм қўмитаси, “Агробанк” АТБ ҳамда тизими ўрганиб чиқилиб таҳлил қилинди. Шунингдек, ушбу соҳаларда қонунчиликдаги зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар ҳамда фаолиятига оид масалаларда коррупцияга қарши йўналиш ва коррупциявий хавф-хатарлар бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига киритилди. |
| 2. | Давлат органлари ва ташкилотларига манфаатлар тўқнашувини билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда услубий кўмаклашиш. | Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича давлат органлари ходимлари учун хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ўқув-семинарлар ташкил қилиш; манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича давлат органлари ходимлари учун ўқув-семинарлар контентларини яратиш; | 2026-йил январь-июнь | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар | Муддати келмаган |

| | | | | | |
|--|---|---|-------------------|---|------------------|
| | | мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрини тўғри юритишга кўмаклашиш. | | | |
| 3. | “E-antikor.uz” электрон платформасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва онлайн мониторинг қилиш тартибини белгилаш. | “E-antikor.uz” электрон платформасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва онлайн мониторинг қилиш тартибини белгилаш. фойдаланиш тартибини белгиловчи идоравий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2026-йил апрель | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар | Муддати келмаган |
| 4. | Коррупцияга қарши курашишда парламент назорати механизмларини такомиллаштириш. | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида давлат ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг “коррупциядан ҳоли соҳа (ҳудуд)”га айлантириш юзасидан ахборотларини эшитиб бориш амалиётини йўлга қўйиш. | Ҳар ярим йилда | Олий Мажлис палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги | Муддати келмаган |
| II. Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олиш | | | | | |
| 5. | Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодексини қабул қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш. | Давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда таҳлил қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш. | 2026-йил сентябрь | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги | Муддати келмаган |

| | | | | | |
|--|--|---|-----------------|---|------------------|
| | | | | Бошқарув самарадорлиги агентлиги, Адлия вазирлиги | |
| 6. | Давлат хизматчиларининг хорижда ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлишига оид чеклов ўрнатишнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш. | Қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш: чеклов ўрнатилган давлат хизматчиларининг аниқ тоифаси; тақиқ ўрнатилган молиявий воситалар ва мол-мулклар рўйхати; тақиққа риоя этилишини текшириш тартиби ва уни бузганлик учун жавобгарлик чораларини назарда тутиш. | 2026-йил ноябрь | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги | Муддати келмаган |
| III. Давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини ошириш | | | | | |
| 7. | Туман (шаҳар) ҳокимликларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини янада ошириш. | Очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индексини туман (шаҳар) ҳокимликларида жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармониغا ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда киритиш. | 2026-йил май | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари | Муддати келмаган |

| | | | | | |
|---|---|--|-----------------|--|--|
| 8. | Давлат органларининг фаолияти очиклиги бўйича илғор хорижий тажрибани миллий қонунчиликка татбиқ этиш. | Давлат органлари очиклиги бўйича рейтингларда юқори ўринларни эгаллаган давлатлар тажрибаларини яқиндан ўрганиш мақсадида “Бюджет очиклиги индекси” бўйича Грузия ҳамда “Опен дата барометр” индекси бўйича Жанубий Корея Республикаси тажрибаси асосида таклифлар ишлаб чиқиш. | 2026-йил апрель | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги | Муддати келмаган |
| IV. Коррупцияга қарши курашишнинг институционал асосларини янада такомиллаштириш | | | | | |
| 9. | Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш бўйича “Хавф-таҳлил маркази”ни ташкил этиш. | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида хавфларни баҳолаш орқали коррупция хавфи юқори бўлган соҳа, ҳудуд, давлат органи ва лавозимлар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш имконини берувчи “Хавф-таҳлил маркази” фаолиятини йўлга қўйиш. Хавф-таҳлил марказида: давлат органларида яқин қариндошларнинг бирга ишлаши ва давлат хизматчисининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини аниқлаш; давлат харидлари электрон ахборот тизимидаги қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш; давлат органлари функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш; коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари билан реал вақт режимида ахборот алмашиш имкониятини яратиш. | 2026-йил март | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳисоб палатаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Божхона қўмитаси | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-270-сон Фармони 17(а)-бандига мувофиқ, Агентликнинг мавжуд штат бирликлари доирасида коррупциявий хавф-хатар даражаси юқори бўлган маъмурий тартиб-таомилларни рақамлаштириш, шу жумладан, давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши автоматлаштирилган назорат тизимини жорий этишга масъул бўлган “Хавф-таҳлил маркази” ташкил этилган. |

| | | | | | |
|-----|--|--|--------------------|---|--|
| 10. | <p>Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашларининг маиший ва тизимли коррупциявий омилларга қарши курашиш борасидаги ишлари самарадорлигини ошириш.</p> | <p>1. Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари томонидан Ишчи гуруҳлар тузиш. 2. Ишчи гуруҳи томонидан ҳар чорақда камида битта соҳада коррупциявий ҳолатларни ўрганиб, таҳлил қилиш. 3. Таҳлил натижалари юзасидан коррупциявий омилларни бартараф этиш, қонун устуворлиги, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига таклиф киритиш.</p> | <p>Ҳар чорақда</p> | <p>Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари</p> | <p>Бажарилмоқда. 2025 йил давомида ҳудудларда коррупцияни олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган 65 дан ортиқ таклифлар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашга ахборот берилган. Мазкур таклифларни амалиётга жорий этиш юзасидан Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши томонидан 16.02.2026 йилдаги № 06-13/592-сон хат орқали Агентликка ҳамда Миллий кенгаши аъзоларига ижро учун юборилган Хусусан, белгиланган вазибаларда: - ҳудудларда доимий асосда фаолият юритувчи 14 та Коррупцияга қарши курашиш кўнгилли гуруҳларини шакллантириш; - таълим муассасаларида “Ҳалоллик тўғараклари” фаолиятини тизимли йўлга қўйиш учун намунавий низом ва иш дастурини ишлаб чиқиш; - коррупция ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишга оид қонунчиликни такомиллаштиришда жамоатчилик вакилларини ҳам жалб қилиш; - Коррупция ва коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> |
|-----|--|--|--------------------|---|--|

| | | | | | |
|--|---|--|---------------|---|---|
| | | | | | <p>- “Очиқ мулоқот тақвими” ташкил қилиниб, давлат органлари ва ташкилотлари масъул раҳбарлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлари ҳақида жамоатчилик учун йилига камида бир марта очиқ мулоқотлар ташкил этиш;</p> <p>- Олий таълим муассасаларидаги коррупцияга қарши курашишга қаратилган замонавий тузилмалар (коворкинг маркази, клуб, ҳаракат, бирлашмалар) фаолиятини такомиллаштириш бўйича топшириқлар белгиланган</p> |
| V. Коррупция жиноятлари учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, жиноят ишини юритишда коррупция хавф-хатарларининг олдини олиш | | | | | |
| 11. | Коррупцияга оид жиноятлар сабабларини аниқлаш ҳамда жиноятчилик статистикасини юритиш тизимини такомиллаштириш. | Коррупциявий жиноятлар статистикасини юритишга мўлжалланган дастурий таъминот яратиш. Бунда қуйидагиларни назарда тутиш: коррупциявий жиноятлар ва улар натижасида етказилган зарарлар ҳисобини юритиш; коррупциявий жиноятлар содир этилиши сабаблари аниқлаш; давлат хизматчисининг хизмат қилган соҳаси бўйича ички назорат тузилмаси томонидан жиноятнинг содир этилишига сабаб бўлган омиллар ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш; | 2026-йил июнь | Ички ишлар вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Олий суд | Бажарилди. Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар бош марказида “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими яратилган. Топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, Бош прокуратура билан коррупцияга оид жиноятлар ва улар натижасида етказилган зарарлар ҳисобини юритиш, коррупцион жиноятларни содир этиш сабабларини аниқлаш, давлат хизматчисининг хизмат қилган соҳаси бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш, судлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг юқори |

| | | | | | |
|-----|---|---|-------------------|--|--|
| | | <p>судлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг юқори турувчи суд ва прокурорлар томонидан республиканинг барча ҳудудлари бўйича онлайн режимда мониторинг қилиш имкониятини яратиш;</p> <p>йил давомида судлар томонидан жавобгарликка тортилган шахслар ва уларга нисбатан қўлланган жазо чоралари тўғрисидаги Жиноят кодекси моддалари бўйича статистик маълумотларни ҳудудлар ва соҳалар кесимида шакллантириш.</p> | | | <p>турувчи суд ва прокурорлар томонидан республиканинг барча ҳудудлари бўйича онлайн режимда мониторинг қилиш имкониятларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш борасида тегишли чоратadbирлар белгилаб олинди.</p> <p>Ҳозирда “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимида “Ходимлар томонидан давлат органлари ва ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ коррупцион жиноятлар тўғрисида” янги шаклдаги ҳисобот ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган.</p> |
| 12. | <p>Одил судлов фаолиятини амалга оширишда судьялар мустақиллигининг кафолатларини мустаҳкамлаш.</p> | <p>Қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш: судьяларни интизомий жавобгарликка тортишнинг аниқ мезонлари ва тартибини белгилаш, унинг холислигини ва судьянинг ҳуқуқлари лозим даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш;</p> <p>судьяларга нисбатан чиқарилган интизомий қарорлар, шу жумладан, Судьялар олий кенгашининг қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилишнинг тартиби ва муддатларини аниқ белгилаш.</p> | 2026-йил сентябрь | <p>Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги</p> | <p>Бажарилмоқда.</p> <p>Ушбу бандда қайд этилган вазифалар ижроси юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, хорижий тажрибани ўрганиш асосида судьяларни интизомий жавобгарликка тортишнинг аниқ мезонлари ва тартибини белгилаш, унинг холислигини ва судьянинг ҳуқуқлари лозим даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш, судьяларга нисбатан чиқарилган интизомий қарорлар, шу жумладан, Судьялар олий кенгашининг қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилишнинг тартиби ва муддатларини аниқ белгилаш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.</p> |

VI. Алоҳида соҳа ва тармоқларда ҳалолликни таъминлаш ва коррупция ҳолатларини камайтириш

| | | | | | |
|-----|---|---|------------------|--|--|
| 13. | <p>Давлат харидлари иштирокчиларининг бенефициар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни мажбурий ошкор этиш тизимини жорий этиш.</p> | <p>1. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш жараёнида бенефициар мулкдорлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида мажбурий киритиш механизмини жорий қилиш.</p> <p>2. Ушбу маълумотлар асосида бенефициар мулкдорлар реестрини шакллантириш ва юритиш.</p> <p>3. Бенефициар мулкдорлар реестрини давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали орқали давлат харидлари электрон тизимларига интеграция қилиш.</p> <p>4. Давлат харидларида иштирок этувчи юридик шахсларга уларнинг бенефициар мулкдорлари ҳақидаги маълумотларни порталга киритишни мажбурий тартибини белгилаш.</p> | 2026-йил июль | Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар | <p>Бажарилмоқда.</p> <p>Юридик шахсларни давлат рўйхатидан (қайта рўйхатдан) ўтказиш жараёнида бенефициар мулкдорлар ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида мажбурий киритиш механизмини жорий қилиш, бенефициар мулкдорлар реестрини давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали орқали давлат харидлари электрон тизимларига интеграция қилиш юзасидан ўрганишлар амалга оширилмоқда.</p> |
| 14. | <p>Давлат харидларида қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича электрон платформани ишга тушириш.</p> | <p>1. Сунъий интеллект ёрдамида давлат харидларида қонунга зид ҳолатларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича электрон тизим дастурий таъминотини яратиш.</p> <p>2. Электрон тизимни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Бошқарув самарадорлиги агентлиги, Электрон савдо операторларининг тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш.</p> | 2026-йил декабрь | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий статистика қўмитаси, Электрон савдо операторлари, | <p>Муддати келмаган</p> |

| | | | | | |
|-----|--|--|------------------|---|--|
| | | | | манфаатдор вазирлик ва идоралар | |
| 15. | Соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ жараёнларда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш. | Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупция хавфи юқори бўлган тартиб ва хизмат турларини давлат хизматлари марказларига ўтказиш, шунингдек, айрим функцияларни хусусий секторга ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалиётга жорий этиш. | 2025 йил декабрь | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги | Бажарилмоқда. Миллий кенгаш тасдиқлаши кутилаётган Соғлиқни сақлаш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2026-2027-йилларга мўлжалланган “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” да ушбу чора-тадбирлар назарда тутилди. |
| 16. | Илмий даража олиш билан боғлиқ жараёнлардаги коррупцияга имкон бераётган омилларни бартараф этиш. | Фалсафа доктори (ПхД) ва фан доктори (ДСс) илмий даражасини олиш билан боғлиқ жараёнлардаги коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш. Бунда: илмий даража беришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш; илмий даража бериш билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштириш даражасига баҳо бериш; соҳада очиқ ва шаффофликни ҳамда жамоатчилик назоратини таъминлаш ҳолатини ўрганиш; таҳлиллар якуни бўйича коррупциянинг олдини олишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш. | 2026-йил февраль | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги | Бажарилди. Илмий даражалар беришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрнатилган тартибда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилди ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилган ҳолда Адлия вазирлигининг ҳуқуқий хулосаси асосида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тақдим этилди: а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони лойиҳаси (ID:1896); б) Вазирлар Маҳкамасининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” қарори лойиҳаси (ID:1895). |

| | | | | | |
|-----|--|--|----------------------|--|---|
| | | | | | Шунингдек, ЎзР Президенти Администрацияси раҳбари томонидан 2025 йил 31 октябрда тасдиқланган (№02-1866) “Йўл харитаси”да ОАКни трансформация қилиш масаласи бўйича топшириқ ижроси юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таркибда илмий даража олиш билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштириш орқали коррупциянинг олдини олишга қаратилган тартиб-қоидалар тегишли низомларнинг янги таҳрири лойиҳасига киритилди. |
| 17. | Олий таълим ташкилотлари талабалари онгига коррупцияга сезгирлик ва коррупцияга қарши курашиш тамойилларини сингдириш ҳамда бу борада тушунтириш ишларини амалга ошириш. | 1. Олий таълим ташкилотлари талабалари онгига коррупцияга сезгирлик ва коррупцияга қарши курашиш тамойилларини сингдириш ҳамда бу борада тушунтириш ишларини амалга ошириш мақсадида махсус курслар ташкил этиш. 2. Олий таълим ташкилотларида давра сўхбатлари, учрашув ва семинарлар ўтказиш. | 2026-йил март-апрель | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги | Бажарилди. Олий таълим ташкилотлари талабалари онгига коррупцияга сезгирлик ва коррупцияга қарши курашиш тамойилларини сингдириш ҳамда бу борада тушунтириш ишларини амалга ошириш мақсадида махсус курсларда жами 552 нафар ходимлар (талабалар) ўқитилди, 240 мартаба профилактик тадбирлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда, жами 59 166 та талаба ва ходимларнинг иштироки таъминланди. |
| 18. | “Яширин иқтисодиёт” даражасини минималлаштириш мақсадида нақд пульсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириш. | Нақд пульсиз ҳисоб-китоблар кўламини кенгайтириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: ҚР-кодлар ва “НФС” технологиялари орқали тўловлардан фойдаланишни оммалаштириш, жумладан, 2026 йил январь ойига қадар барча савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида | 2026-йил апрель | Марказий банк, Солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 10-декабрдаги “Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-246-сон фармони қабул қилинди. |

| | | | | | |
|--|--|--|--|--|---|
| | | <p>тўловларни нақд пульсиз ҚР-кодлар тизими орқали амалга ошириш имкониятини таъминлаш;</p> <p>чакана савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларида товар (хизмат)лар ҳисобини юритишнинг автоматлаштирилган қурилмалари (Р-кеэпер) ўрнатилишини рағбатлантириш ҳамда мазкур тизимларни босқичма-босқич 3 поғонали (онлайн НКМ, банк ҳисобрақам ва тўлов операторлари) интеграциялаш;</p> <p>ушбу тизимлардан фойдаланиш ҳолати ҳамда тизим фаолиятининг узлуксизлиги устидан назорат тадбирларини кучайтириш;</p> <p>нақд пульсиз ҳисоб-китоблардан фойдаланишнинг афзалликлари, шунингдек, яратилган имкониятлар бўйича аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш.</p> | | <p>қарши курашиш департаменти, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги</p> | <p>Фармон билан 2026 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидагилар учун тўловлар фақатгина банк карталари ёки электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилиши белгиланди:</p> <p>давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар;</p> <p>электр энергияси, табиий газ, ичимлик сувидан фойдаланганлик учун тўловлар;</p> <p>алкогол ва тамаки маҳсулотлари;</p> <p>транспорт воситаларига ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали аҳолига нефть-газ маҳсулотларини сотиш ва электрда ҳаракатланадиган транспорт воситаларини зарядлаш бўйича хизматлар;</p> <p>қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товар ва хизматлар (бундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мустасно);</p> <p>кўчмас мулк объектлари, ишлаб чиқарилганига ўн йилдан ошмаган транспорт воситалари ҳамда махсус автотранспорт воситаларини сотиш ва сотиб олиш.</p> <p>2026 йил 1 июлдан бошлаб босқичма-босқич назорат қилувчи органлар томонидан 17 та назорат соҳаси бўйича тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган текширувларни боди-камерадан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий этилди.</p> |
|--|--|--|--|--|---|

| | | | | | |
|-----|---|--|------------------|--|------------------|
| 19. | <p>“Ўзбекистон бизнесининг коррупцияга қарши курашиш хартияси”га тадбиркорлик субъектларининг аъзо бўлишини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.</p> | <p>1. Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингида қўшимча балл берувчи кўрсаткичларга “Ўзбекистон бизнесининг коррупцияга қарши курашиш хартияси”га (кейинги ўринларда – Хартия) аъзоликни киритиш.</p> <p>2. “Ўзбекистон бизнесининг коррупцияга қарши курашиш хартияси” электрон платформасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Платформада:</p> <p>тадбиркорларнинг Хартияга аъзолик бўйича аризаларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва аъзолик сертификатини тақдим этиш;</p> <p>Хартия аъзолари учун вужудга келган коррупция ҳолатлари бўйича маълумот бериш ва коррупцияни келтириб чиқувчи омилларни бартараф этиш борасида ўз таклифларини тақдим этиш;</p> <p>Хартия аъзоларининг ягона электрон реестрини юритиш ва аъзолар учун муҳокама майдонларини ташкил этиш;</p> <p>Хартия қоидаларининг бажарилишини ва кўрсатмаларнинг корхоналар фаолиятида татбиқ этилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш имкониятларини яратиш.</p> | 2026 йил август | Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги | Муддати келмаган |
| 20. | <p>Хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш.</p> | <p>1. Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ўз тизимига самарали жорий этган тадбиркорлик субъектлари учун “Коррупцияга қарши кураш бўйича йилнинг энг яхши компанияси” йиллик мукофотини жорий қилиш.</p> <p>2. Коррупцияга қарши курашиш тамойилларига содиқлигини тасдиқловчи</p> | 2026 йил октябрь | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман | Муддати келмаган |

| | | | | | |
|-----|--|--|--------------------------------|---|--|
| | | компаниялар ўзларининг реклама ва веб-сайтларида фойдаланишлари мумкин бўлган махсус белги ёки сертификат намунасини яратиш. 3. Ўзбекистон бизнес ҳамжамиятида ҳалоллик форумини мунтазам ташкил қилиб бориш. 4. Хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш натижасида эришиладиган натижалар тўғрисида тарғибот материаллари тайёрлаш. | ноябрь 2025–2026 йиллар | | |
| 21. | Давлат мулкидан фойдаланиш қоидалари ва давлат мулкини бошқариш самарадорлигини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш. | Қўйидагиларни назарда тутувчи идоравий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: давлат мулкидан фойдаланиш қоидалари; давлат мулкини бошқариш самарадорлигини баҳолаш тартиби; давлат органлари ва ташкилотларининг давлат мулкидан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши ва давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш натижаларини ОАВ ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш механизмини белгилаш. | 2026 йил январь | Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар | Бажарилди. Давлат активлари агентлиги томонидан “Давлат мулкидан фойдаланиш қоидалари ва давлат мулкини бошқариш самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи лойиҳаси ишлаб чиқилган (ID-85189). Адлия вазирлигининг 2026-йил 23-январдаги 10/11-6/337-сон хати билан тегишли қонунчилик ҳужжатларида (Вазирлар Маҳкамасининг 2015-йил 28-июлдаги 207-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2025-йил 21-апрелдаги 247-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 20-январдаги 35-сон қарорлари) давлат мулкидан самарали фойдаланишни баҳолаш мезонлари ва тартиби белгиланганлиги сабабли мазкур масалада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш зарурати мавжуд эмаслиги маълум қилинган. |

VII. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш

| | | | | | |
|-----|---|---|---------------|---|---|
| 22. | <p>Ёшлар ўртасида, айниқса, оила, маҳалла, таълим ташкилотидан бошлаб коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантириш.</p> | <p>Қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш: таълим дастурларига БМТнинг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси (ГРАСЭ) дастури доирасида болаларга тарбия бериш йўналишини кенгайтириш; доимий равишда мультимедия материалларни яратиш, Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси орқали кенг тарғиб қилиш; Ёшлар ўртасида коррупция “жамият танасидаги саратон” эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрлаш.</p> | 2026 йил март | <p>Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Коррупция қарши курашиш агентлиги</p> | <p>Бажарилмоқда Умумий ўрта таълим муассасаларига мўлжалланган тарғибот материалларини тайёрлаш учун идоралараро ишчи гуруҳ шакллантирилиб, ўқувчилар учун “Коррупцияга қарши курашиш” бўйича ўқув дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур ўқитувчилар томонидан “Синф соатлари” доирасида қўлланилмоқда. “Профилактика кунлари” ва “Синф соат”лари доирасида ўтказилган тадбирлар натижалари: – Жами тарғибот тадбирлар сони 47 153 та; –Қамраб олинган ўқувчилар 3 587 381 нафар; –Ҳалоллик қадриятлари тадбирлари 17 588 та (925 459 ўқувчи); –Тўғрилиқ, меҳнатсеварлик тадбирлари 16 623 та (1 859 168 ўқувчи); –Коррупция – давлатни емирувчи иллат тадбирлари 14 733 та (862 881 ўқувчи); –“Ҳалоллик” тўғараклари (10 134 мактабда) 9 246 та; –Тўғаракчаларга жалб этилган ўқувчилар 197 458 нафар; –“10 кунлик тадбир” иштирокчилари 2 850 658 нафар; –Очиқ дарслар ўтказилди 18 114 та (1 923 713 ўқувчи);</p> |
|-----|---|---|---------------|---|---|

| | | | | | |
|-----|--|--|---------------------------|---|---|
| | | | | | –Учрашув ва суҳбатлар 15 194 та (928 945 нафар). |
| | | “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасида аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмаларини доимий ошириб бориш. | 2025–2026 йиллар давомида | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси | <p>Бажарилмоқда.</p> <p>“Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасида:</p> <p>2025 йил давомида базавий ўқув курсларда 1 млн. 67 минг нафар мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари 3 млн. 146 минг нафар мактаб ўқувчилари ва 62 275 нафар ОТМ талабалари ўқитилган бўлса, махсус ўқув курсларда 49 790 нафар давлат хизматчиларининг малакаси оширилган.</p> <p>2026 йилда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг жами 8 845 нафар ходимлари малакаси оширилиб, курсларни муваффақиятли тамомлаган 5 967 нафар тингловчиларга сертификатлар тақдим этилган.</p> |
| 23. | Аҳолида коррупцияга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ёш авлод онгига ҳалоллик қадриятларини сингдиришда спектакль ҳамда кино маҳсулотлардан мақсадли фойдаланиш. | Давлат театрларида саҳналаштириладиган спектакллар ва Кинематография агентлиги томонидан суратга олинган кино маҳсулотларида аҳолида коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ғояларни киритиб бориш. | 2026 йил давомида | Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги | <p>Бажарилмоқда.</p> <p>Давлат театрларида коррупция ва унинг салбий оқибатларини акс эттирувчи ҳамда аҳолини коррупсион ҳолатларга муросасизлик кайфиятини шакллантирувчи спектакллар давлат театрларининг ижодий йўналиш ва жанр ёндашувидан келиб чиққан ҳолда спектакллар саҳналаштирилиб томошабинларга намойиш этиб келинмоқда.</p> <p>Жумладан, Ўзбекистон давлат драма театрида И.Ҳамроев қаламига мансуб</p> |

| | | | | |
|--|--|--|--|--|
| | | | | <p>“Ҳеч қачон давлатман дема”, “Ҳукм”, Андижон мусиқали драма театрида “Пул ўлсин”, Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида “Одамга ёрдам беринг” (“Осмон ҳамма гапни эшитади”), Наманган вилояти мусиқали драма театри “Муқаддас қасам” Ўзбекистон давлат сатира театри, Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри ва Жиззах вилояти мусиқали драма театрида “Ревизор” спектакллар орқали жамиятда илдиз отишга улгурган коррупциянинг салбий оқибатлари ва бугунги кунда унга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар драматик асарларнинг мазмун моҳиятига сингдирилган.</p> <p>2026-йил давлат театрларида коррупция ва унинг салбий оқибатлари ҳамда коррупцияга қарши курашни тарғиб қилувчи сахна асарлари – жумладан, Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида “Ҳалоллик вакцинаси”, Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрида “Нусхалар” сахналаштирилди. Шунингдек, О.Рўзиевнинг “Ҳаёт дарахти” асари Навоий вилояти қўғирчоқ театрининг 2026-йил репертуар режасига киритилган.</p> <p>Шунингдек, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги томонидан аҳоли, хусусан ёшларда ҳалоллик, адолат, очиқлик ва шаффофлик, қонунга итоаткорлик ҳамда</p> |
|--|--|--|--|--|

| | | | | | |
|-----|---|--|--------------|--|--|
| | | | | | <p>коррупцияга қарши муносабатни шакллантирувчи “Адолат”, “Менинг маҳаллам”, “Фарз”, “Чўлиқ”, “Енгилмас. Токиога йўл” номли бадий фильмлар мавжуд.</p> <p>Шунингдек, Кинематография агентлиги томонидан аҳолида коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ғояларни тарғиб қилувчи “Сеҳрли чапақай”, “Журналист”, “Ота” номли бадий фильмлари яратилмоқда.</p> |
| 24. | <p>Фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш самарадорлигини ошириш.</p> | <p>1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари учун коррупцияга қарши курашиш мавзуларида грантлар ва ижтимоий буюртмалар эълон қилиб бориш.</p> <p>2. Фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши фаолиятидаги иштироки юзасидан йиллик ҳисоботни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига киритиш.</p> | Йил давомида | <p>Олий Мажлис палаталари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси</p> | <p>Бажарилмоқда.</p> <p>2025 йил давомида фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини қўллаб қувватлаш учун 3.1 млрд сўмлик грант лойиҳалари ва ижтимоий буюртмалар эълон қилинди.</p> <p>Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан 12 та ҳудуд бўйича жами 718 млн сўмлик ҳамда Жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари томонидан 8 та ҳудудда 260 млн сўмлик грант танловлари, 1.2 млрд сўмлик ижтимоий буюртма эълон қилинди.</p> <p>Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ва Европа Иттифоқи молиявий кўмагида 853</p> |

| | | | | | |
|-----|---|---|-----------------|---|---|
| | | | | | <p>млн сўм миқдоридан грант маблағи ажратилди.</p> <p>2026 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган “Ўзбекистонда коррупцияга қарши миллий экотизимни мустаҳкамлаш” қўшма лойиҳаси доирасида “Коррупцияга қарши фуқаролик ташаббуслари: иштирок, шаффофлик ва ечимлар” номли грантлар танлови эълон қилинди (ҳтпс://т.ме/антикор_узб/4562).</p> |
| 25. | <p>Фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВнинг коррупцияга қарши курашиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича билим ва малакасини ошириш.</p> | <p>1. Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун суриштирув журналистикаси, таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ўқув курсларини ташкил қилиш ва тизимли ўтказиш.</p> <p>2. Нодавлат нотижорат ташкилотлари учун коррупцияга қарши курашиш борасидаги миллий қонунчилик, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, ИХТТнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасида ўрнатилган қоидалар билан ишлаш, мониторинг ўтказиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида семинар, тренинг ва ўқув машғулотларини ўтказиб бориш.</p> | 2025 йил доимий | <p>Коррупцияга қарши кураш агентлиги, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази</p> | <p>Бажарилди.</p> <p>Фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВнинг коррупцияга қарши курашиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича билим ва малакасини ошириш вазифаси бўйича 2025 йилда 34 та амалий машғулот ва семинар-тренинг тадбирлари ташкил этилиб, ушбу тадбирларда 840 нафар жамоатчилик вакиллари иштироки таъминланган. Шунингдек, Виртуал академия орқали 2025 йилда “Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши салоҳиятини ошириш” мавзусидаги масофавий махсус ўқув курсида 198 нафар ОАВ ва бошқа ташкилотлар вакиллари малакасини оширилиб, курсларни муваффақиятли тамомлаган 153 нафар тингловчиларга</p> |

| | | | | | |
|-----|---|---|-------------------|---|-------------------------------|
| | | | | | сертификатлар тақдим этилган. |
| 26. | Миллий стратегия ва давлат дастурлари ижросини мониторинг қилиб бориш бўйича электрон платформани ишга тушириш. | Электрон платформага Миллий стратегия ва давлат дастурларининг ижроси юзасидан маълумотларни киритиб бориш ва ушбу маълумотларнинг кенг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлаш, шунингдек, платформада Миллий стратегия ва давлат дастурлари ижроси бўйича таклиф ва тавсияларни қолдириш имконини яратиш. | 2026 йил сентябрь | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар | Муддати келмаган |